

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-9/3**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

**Бош муҳаррир:***Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Тахрир ҳайати:**

|  |   |
|--|---|
| <i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>     | <i>Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>                   |
| <i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>           | <i>Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>            |
| <i>Абдуллаев Рашид Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>    | <i>Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.</i>        |
| <i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i> | <i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>         |
| <i>Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>       | <i>Рўзибоев Рашид Юсуфович, тиб.ф.д., проф.</i>           |
| <i>Аимбетов Нағмет Қаллиевич, и.ф.д., акад.</i>        | <i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>                    |
| <i>Аметов Яқуб Идрисович, д.б.н., проф.</i>            | <i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>                 |
| <i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>                | <i>Салаев Санъатбек Қомилевич, и.ф.д., проф.</i>          |
| <i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>           | <i>Сапарбаева Гуландам Машириповна, ф.ф.ф.д.</i>          |
| <i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>           | <i>Сапаров Қаландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>        |
| <i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.</i>     | <i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>              |
| <i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>             | <i>Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.</i>                |
| <i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>              | <i>Тожибаев Қомилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i> |
| <i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>               | <i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>             |
| <i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>    | <i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>                |
| <i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>        | <i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>          |
| <i>Жуманов Мурат Арпаевич, д.б.н., проф.</i>           | <i>Шакарбоев Эркин Бердиқулович, б.ф.д., проф.</i>        |
| <i>Қадирова Шаҳноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>   | <i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>           |
| <i>Қаримов Улғубек Темирбаевич, DSc</i>                | <i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>         |
| <i>Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>               | <i>Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>              |
| <i>Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.</i>                     | <i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>                 |
| <i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>                   | <i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>               |
| <i>Махмудов Рауфжон Бахоридович, ф.ф.д., к.и.х.</i>    | <i>Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>        |
| <i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>   | <i>Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.</i>           |
| <i>Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.</i>           |   |

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№9/3 (94), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 143 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

**МУНДАРИЖА**  
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ**

|  |    |
|--|----|
| <b>Bozorov J.O., Xalilov I.M., Keldiyorova N.N.</b> Organik chiqindilar bilan boyitilgan vermikompost namunalarining mikroorganizmlar tahlili .....  | 5  |
| <b>Egamova D.A., Isoqova G.N., Boboqulov B.K.</b> Yerdan xususiy mulk sifatida foydalanish mexanizmi shakllanishining o'ziga xos xususiyatlari .....   | 8  |
| <b>Ergasheva X.I.</b> Biotexnologik yondashuvlar asosida texnogen tuproqlar holatini yaxshilashning dolzarbligi .....  | 11 |
| <b>Ibragimov X.A., Matyakubova Y.A., Soparboeva Sh.A., Yaqubova M.O.</b> G'o'zaning Xorazm -127 navida o'sishni sozlovchi moddalarning ta'sirini o'rganish .....   | 16 |
| <b>Mahkamov T.X., G'ofurova O'.Sh., Mamatqulova A.S.</b> Mirzacho'l mintaqasida uy sharoitida yorug'lik va qorong'ulik muhitida Geranium sanguineum (L) ning maysalash bosqichini o'rganish natijalari ..... | 19 |
| <b>Ne'matov I.R.</b> Mamlakatimizda yaylov hududlarining hisobi .....  | 22 |
| <b>Primqulov B.Sh., Choriyeva Z.Q., Qorayev S.E., Xamraeva M.K., Mamataliyev A.A.</b> Obtaining complex fertilizers based on acidified sewage sludge and "Gullob" phosphorites                               | 25 |
| <b>Аллакулиев Б.Ж.</b> Ғўзанинг янги С-9090 нави .....   | 31 |
| <b>Атоев Б.Қ., Қайпназаров Ж.Ж., Қутлимуратов М.М.</b> Тадқиқотлар ўтказилаётган Навоий вилояти Қизилтепа тумани худуди тупроқларининг табиий-географик шароитлари .....                                     | 34 |
| <b>Бабаджанова Ш.К., Нажимова С.Р.</b> Влияние бобовых культур на плодородие и повышение урожайности почвы .....   | 37 |
| <b>Бобоева Х. Б., Бегматова М.</b> Оддий тоғрайҳон- <i>Origanum vulgare L.</i> нинг биологик хусусиятлари ва уруғининг унувчанлиги .....   | 40 |
| <b>Закиров Х., Отамуродова Д.</b> Экономический анализ загрязнений северных районов Сурхандарьинской области Таджикским алюминиевым заводом .....  | 43 |
| <b>Зокиров Х.Х., Нормуратов О.У., Хуррамова А.Р., Отамуродова Д.А.</b> Экологик омилларнинг биохилма-хиллик ва агро соҳа иқтисодиётига таъсири .....   | 48 |
| <b>Исаев С.Х., Аширов Ю.Р., Маликов Э.Н., Сафарова Х.Х.</b> Сизот сувлари сатҳининг ўзгаришига қараб, грунт қатлами ва тупроқдаги намликнинг ўзгаришини моделлаштириш .....                                  | 52 |
| <b>Исаева З.Б.</b> Биоэкологические особенности пшеницы в условиях Хорезма .....   | 55 |
| <b>Маткаримова М., Ёрматова Д.</b> Хоразм тупроқ- иқлим шароитида кунжут экиш мумкинми? .....  | 58 |
| <b>Матниязова Ҳ.Х., Юлдашев Ў.Х., Қаршибаева Д.Н., Салоҳиддинова М.М., Ходжамова М.К., Байматова А.А.</b> Фитопатоген замбуруғлар таъсирида соя ўсимликларида айрим физиологик жараёнларни ўрганиш .....     | 61 |
| <b>Нилиповский В.И., Инамов А.Н., Мусурманкулов З.Ш.</b> Ер турларини белгилаш тизимини такомиллаштириш .....  | 65 |
| <b>Нормуратов О.У., Болтаев С.М., Имамов Ф.З., Амиров Ж.А.</b> Влияние различных доз азотных удобрений на агрохимические свойства бесплодно-луговых почв .....   | 70 |
| <b>Нормуратов О.У., Зокиров Х.Х., Имамов Ф.З.</b> Азотли ўғит меъёрлари ва биологик препаратнинг помидор ҳосилдорлигига таъсири .....  | 72 |
| <b>Ортиков Т.К., Бафаева З.Х., Умаров О.Р.</b> Турли даражада шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ғўза ўсимлигининг қуруқ массасига азотли ўғит меъёрларининг таъсири .....          | 75 |
| <b>Ортиков Т.К., Бафаева З.Х., Умаров О.Р.</b> Турлича шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида азотли ўғитларнинг турли меъёрлари ғўза баргидаги сув шаклларига таъсири .....            | 79 |
| <b>Остонақулов Т. Э., Лукова И.М.</b> Картошка навларини эртаги ва икки ҳосилли экинлар сифатида турли экиш усулларида ўстириш яқунлари .....  | 82 |

**Хар хил меъёрдаги азотли ўғитлар ва биологик препаратни бир ўсимликдаги мева сони ва ҳосилдорлигига таъсири**

| №  | вариантлар                               | биологик препарат | Кўчатлар сони, минг/га | бир ўсимликдаги мева сони, дона | бир дона помидор массаси, гр | ўртача ҳосил, т/га |
|----|--|-------------------|------------------------|---------------------------------|------------------------------|--------------------|
| 1. | Назорат                                  |                   | 33,1                   | 5,1                             | 85,6                         | 13,5               |
| 2. | P <sub>120</sub> K <sub>100</sub> -(Фон) |                   | 33,1                   | 9,1                             | 105,6                        | 30,1               |
| 3. | N <sub>100</sub> +Фон                    |                   | 33,3                   | 12,3                            | 109,1                        | 40,9               |
| 4. | N <sub>100</sub> +Фон                    | Экостим           | 33,2                   | 12,5                            | 107,5                        | 43,4               |
| 5. | N <sub>200</sub> +Фон                    |                   | 33,4                   | 14                              | 112,6                        | 49,5               |
| 6. | N <sub>200</sub> +Фон                    | Экостим           | 33,5                   | 15,1                            | 115,2                        | 57,4               |
| 7. | N <sub>300</sub> +Фон                    |                   | 33,6                   | 16,2                            | 115,4                        | 61,1               |
| 8. | N <sub>300</sub> +Фон                    | Экостим           | 33,7                   | 16,4                            | 115,8                        | 62,0               |

P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>-фонида азотли ўғитларнинг меъёрини 300 кг/га ошириш ҳисобига шунингдек уруғларни экостим препарати билан ишлов берилган вараинтда олинган ҳосил қолган вариантларга нисбатан юқори бўлиб, такрорларланишлар бўйича ўртача 2018 йилда 59,8-60,5 т/га, 2019 йилда 61,0-61,9 т/га ва 2020 йилда 62,6-63,6 т/га ҳосил етиштирилиб ўғит қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 47,6-48,5 т/га, P<sub>120</sub> K<sub>100</sub>-фон вариантыга нисбатан эса 31,0-31,9 т/га юқори ҳосил етиштирилди.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Қўлланилган минерал ўғитлар ҳамда биопрепарат помидорнинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Минерал ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда помидор ўсимлигининг асосий поясининг баландлиги август ойининг биринчи ўн кунлигида 32,3 см, помидорнинг уруғига «Экостим» биопрепарати билан ишлов берилиб минерал ўғитларни N<sub>300</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub> миқдорларда қўлланилган вариантда унинг баландлиги 90,8 см, ён шохлар сони мева пишиш даврида мос равишда 3,3 дона, назоратга нисбатан 7,8 донага юқори бўлди. Назорат вариантыда ўртача 3 йиллик ҳосили миқдори 13,5 т/гани ташкил қилди. Энг яхши натижа биопрепарат+минерал ўғитнинг мақбул миқдори қўлланган вариантда ўртача ҳосил 62,0 т/гани ташкил қилди ва назоратга нисбатан 48,5 т/га юқори бўлди.

Сурхон-Шеробод воҳаси суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқ шароитида эрта баҳорги муддатда помидорнинг Сурхон-142 нави уруғига «Экостим» биопрепарати билан ишлов бериб, N<sub>300</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub> минерал ўғитларни мақбул меъёрларини қўллаш тавия этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Борисов В.А., Моисеева В.Н. Удобрение томата на черноземных почвах// Картофель и овощи М., 2010. №6. - С.20-21.
2. Дусмуратова С.И. Ўзбекистонда помидор мевалари ва уруғларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш. к.х.ф.д. диссертацияси автореферати. Тошкент, 2014. 48-б.
3. Нормуратов О.У., Чориев А.К. Тақир ўтлоқи тупроқларда фосфорли ва мураккаб фосфорли ўғитларнинг ютилиш жараёнлари. // Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш Республика илмий-амалий семинар мақолалар тўплами. -Тошкент, 2017. 21 апрел. – Б. 275-277.
4. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Тошкент – 2008. –Б. 191-198.

**УЎК: 581.144: 633.511:631.445.52:631.84**

**ТУРЛИ ДАРАЖАДА ШЎРЛАНГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЎСИМЛИГИНИНГ ҚУРУҚ МАССАСИГА АЗОТЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

*Т.К. Ортиков, б.ф.н., доц., Самарқанд давлат университети, Самарқанд*

*З.Ҳ. Бафаева, мустақил изланувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

*О.Р. Умаров, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро вилояти Жондор тумани Ўзбекистон массиви турли даражада шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида азотли ўғит меъёрларининг ғўза ўсимлигини ўртача қуруқ массасига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Турли даражада шўрланган, шўрланмаган, кучсиз шўрланган, ўртача шўрланган, кучли шўрланган, азотли ўғит меъёрлари, ғўза ўсимлиги, қуруқ масса, гуллаш, шоналаш, 2-3 чин барг

**Аннотация.** В статье представлены данные о влиянии норм азотных удобрений на среднюю сухую массу растений хлопчатника в условиях орошаемых лугово-аллювиальных почв с разным уровнем засоления в Жондорском районе Бухарской области.

**Ключевые слова.** Разный уровень засоления, незасоленность, слабозасоленная, средnezасоленная, сильнозасоленная, нормы азотных удобрений, хлопчатник, сухая масса, цветение, 2-3 настоящих листа

**Abstract.** The article presents data on the effect of nitrogen fertilizer norms on the average dry weight of cotton plants under conditions of irrigated meadow-alluvial soils with different levels of salinity in the Zhondor district of the Bukhara region.

**Keywords.** Different levels of salinity, non-salinity, slightly saline, medium saline, highly saline, nitrogen fertilizer norms, cotton, dry weight, flowering, 2-3 true leaves

**Кириш.** Республикамизда ҳозирги вақтда турлича тип ва даражада шўрланган тупроқлар майдони кенгайиб бормоқда. Бундай шароитда ғўза ўстириш агротехнологияларини тўғри олиб бориш, жумладан азотли ўғитларни тўғри меъёр, муддат ва шаклларда қўллаш долзарб масала ҳисобланади. Азотли ўғитлардан самарали фойдаланиш учун улар таъсирининг физиологик асослари очиқ берилиши керак бўлади. Бунда турлича шўрланган тупроқлар шароитида азотли ўғитлар самарадорлиги ва ғўза ўсимлиги физиологик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим ҳисобланади.


Ғўза ўсимлигининг қуруқ масса тўплаши унинг ривожланиш давларида турлича бўлиб, шоналаш давригача бутун амал даврида тўплаган қуруқ массасининг атиги 5,0 фоиз қисмини тўпласа, шоналашдан сўнг ўсимлик гуллашгача авж олиб ривожланади ва 50 фоиз қисмини тўплайди. Пишиш даврига келганда эса вегетатив бўлақларнинг ўсиши деярли тўхтаб, асосан ҳосил бўлақларининг ривожланиши ҳисобига қуруқ масса тўпланади [1].

Ғўзада қуруқ модданинг тўпланиши чигит униб чиққандан бошлаб, то шоналашгача бўлган ўсиш даврида анча секин бўлиб, шоналаш давридан сўнг кучайди. Ўсимликда қуруқ модда миқдори ривожланиш даврига боғлиқ ҳолда ортиб борди. Ўсимликнинг шоналаш-гуллаш даврида 3-4 чинбарглик давридагига нисбатан сутка давомида 2,97-1,89 г.дан қуруқ модда тўпланди. Шунингдек, тажрибада қўлланилган мақбул органик ва минерал ўғитлар таъсирида фотосинтез маҳсулдорлигининг ошиши ва ўсимликда қўллаб қуруқ модда тўпланиши аниқланди[2,3].

**Материаллар ва методлар.** Дала тажрибаси Бухоро вилояти Жондор тумани Ўзбекистон массиви турли даражада шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида, 8 та вариант 4 қайтариқда олиб борилди. Унга кўра ўғит қўлланилмаган назорат варианты, фосфор ҳамда калийнинг бир хил 175 кг ва 125 кг лик меъёрлари фон сифатида олинган бўлса азотли ўғитларнинг 6 хил меъёри ўрганилди. Қўлланилган асосий услублардан бири битта ғўза ўсимлигининг ўртача қуруқ массасини оғирликни тортиш йўли билан аниқланди.Тажрибада ғўзанинг маҳаллий Бухоро-6 нави танлаб олинди


**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Дала тажрибаси турли даражада шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида турли азотли ўғит меъёрларини қўллаш ғўза ўсимлигининг ўртача қуруқ массасига таъсири ўрганилган. Унга кўра ўртача қуруқ массани аниқлаш ғўза ўсимлигининг турли вегетатив органларидан аниқланди. Шўрланмаган тупроқларга нисбатан шўрланиш даражалари ортиб бориши билан барча вегетатив органларидан аниқланган қуруқ масса миқдори камайиб борди. Тажриба варианты бўйича эса назорат (ўғит қўлланилмаган) ва фон вариантыга нисбатан азотли ўғит қўлланилган вариантларда ижобий натижалар қайт этилди. Бу кўрсаткичлар мос равишда шўрланиш даражалари бўйича ҳам тақрорланди. Масалан, шўрланмаган тупроқларда ғўзанинг 2-3 чин баргдан таҳлил қилганимизда ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда 0,21 г ни ташкил қилган бўлса гектарига фосфор 175 кг, калий 125 кг қўлланилган фон вариантыда 0,32 г ни ташкил

қилди, азотли ўғит меъёрлари гектарига 100 кг дан 350 кг қўлланилган вариантларига мос равишда 0,42 г дан 0,72 г ни ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Шўрланмаган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида битта ғўза ўсимлигининг ўртача қуруқ массасига азотли ўғит меъёрларининг таъсири, г.


Кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики назорат вариантыда ғўза ўсимлигини шоналарида ўртача қуруқ массага ўрганилганда 4,0 г ни ташкил қилган бўлса фон (P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>) вариантыда 4,6 г ни ташкил қилди. Азотли ўғит қўлланилган N<sub>100</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>150</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>200</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>300</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>350</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> вариантларида мос равишда 5,7; 6,0; 6,8; 7,2; 7,6; 8,3 г ни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткичлар барг, поя ва чанокларда эса нисбатан юқори бўлгани ҳолда бир бутун ўсимлик массаси эса назорат вариантыда 82,4 г бўлган бўлса, фон вариантыда 90,4 г ни ташкил қилди, азотли ўғитнинг турли меъёрларини қўлланилганда 96,6 г дан 120,1 г ни ташкил қилди. Тажрибада тавсия қилинган N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> вариантыда 113,7 г ни ташкил қилди (2-расм).



2-расм. Кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида битта ғўза ўсимлигининг ўртача қуруқ массасига азотли ўғит меъёрларининг таъсири, г.

Ўртача шўрланган тупроқларда ўтказилган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, назорат вариантыда ғўзанинг 2 – 3 чин баргини ўрганилганда ўртача қуруқ масса миқдори 0,16 г ни ташкил қилган ҳолда кучсиз шўрланган вариантга нисбатан бир оз пастроқ бўлди, фон вариантыда 0,20 г ни ташкил қилди. Азотли ўғит турли меъёрлари қўлланилганда фарқ сезиларли бўлди.


Энг яхши натижа биз тавсия этган N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> вариантда (0,37 г) бўлди (3-расм).



3-расм. Ўртача шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида битта ғўза ўсимлигининг ўртача қуруқ массасига азотли ўғит меъёрларининг таъсири, г.

Ушбу кўрсаткичлар ғўзанинг шона, барг, поя, чаноқларида кўрадиган бўлсак 3,8 г дан 30,2 г гача ни ташкил қилди. Барча вегетатив органларда ҳар томонлама (иктисодий) энг яхши натижа N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> вариантыда кузатилди.

Ўртача шўрланган тупроқларда битта ўсимликнинг ўртача қуруқ массаси кучсиз шўрланган тупроқлардагидан сезиларли кам бўлди (3-расм).



4-расм. Кучли шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида битта ғўза ўсимлигининг ўртача қуруқ массасига азотли ўғит меъёрларининг таъсири, г.

Шўрланиш даражаси кучли бўлган тупроқларда бу кўрсаткичлар қуёдагича бўлди. Масалан, 2-3 чин баргларида назорат вариантыда 0,14 г ни ташкил қилди, бу кўрсаткичлар фон вариантыда 0,16 г, азотли ўғитларни 100 кг дан 350 кг гача қўлланилганда мос равишда 0,18 г дан 0,27 г ни ташкил қилган ҳолда назорат ва фон вариантга нисбатан юқори бўлгани аниқланди. Ғўза ўсимлигининг шоналарининг қуруқ массаси таҳлил қилинганда назорат вариантыда 2,9 г, фон вариантыда 3,2 г, азотли ўғитларнинг турли меъёрлари N<sub>100</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>150</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>200</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>300</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub>; N<sub>350</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> қўлланилган вариантларида мос равишда 3,8; 3,8; 3,9; 4,2; 4,5; 4,6 г ни ташкил қилди. Энг яхши натижа 4,2 г эканлиги аниқланди.

**Хулоса.** Шундай қилиб Бухоро вилояти Жондор тумани Ўзбекистон массиви турли даражада шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ғўза ўсимлигининг физиологик кўрсаткичларига айниқса қуруқ моддасига азотли ўғитларни



меъёрларининг таъсири ўрганилганда энг яхши натижага  $N_{250}P_{175}K_{125}$  вариантга эришилди ва ушбу меъёр ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иминов А., Хатамов С., Усмонова Д. Ғўзанинг қуруқ масса тўплашига ўтмишдош экинларда қўлланилган органо-маъдан компост ва маъдан ўғитлар меъёрларининг таъсири // АгроИЛМ (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси). - Тошкент, 2020. - №2 [65], - Б.75-77.
2. Абдумаликов Ж., Холиқулов Ш. Ғўза ассимиляция юзасининг шаклланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига органик ва минерал ўғитларнинг таъсири // АгроИЛМ (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси). - Тошкент, 2018. - №6 (56), - Б.67-68.
3. Исламов И. Влияние заправки 3-х летнего стояния люцерны на урожайность хлопчатника в условиях староорошаемых аллювиально-луговых почв Бухарского оазиса // Хоразм Маъмур Академияси ахборотномаси. - Хива, 2019. - №3/1, - Б.57-60.

УЎК: 581.144:631.445.52:631.84

### ТУРЛИЧА ШЎРЛАНГАН СУҒОРЛАДИГАН ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ТУРЛИ МЕЪЁРЛАРИ ҒЎЗА БАРГИДАГИ СУВ ШАКЛЛАРИГА ТАЪСИРИ

*Т.К. Ортиқов, б.ф.н., доц., Самарқанд давлат университети, Самарқанд*  
*З.Х. Бафаева, мустақил изланувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*  
*О.Р. Умаров, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро вилоятининг асосий тупроқ типларидан бири ҳисобланган турли даражада шўрланган сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида азотли ўғитларнинг турли меъёри ғўза баргидаги сув шаклларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар.** Турли даражада шўрланган, кучсиз шўрланган, ўртача шўрланган, кучли шўрланган, азотли ўғит меъёрлари, ғўза барги, сув шакллари, сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар.

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения о влиянии азотных удобрений на водные формы листьев хлопчатника с разной нормой в условиях орошаемых луговых аллювиальных почв с разной степенью засоления, являющихся одним из основных типов почв Бухарской области.

**Ключевые слова.** Соленый в разной степени, слабозасоленная, средnezасоленная, сильнозасоленная, нормы азотных удобрений, хлопчатник листовой, водные формы, орошаемые луговые аллювиальные почвы

**Abstract.** This article presents information on the effect of nitrogen fertilizers on water forms of cotton leaves with different norms under conditions of irrigated meadow alluvial soils with varying degrees of salinity, which are one of the main types of soils in the Bukhara region.

**Keywords.** Salty to varying degrees, slightly saline, moderately saline, highly saline, nitrogen fertilizer norms, leafy cotton, water forms, irrigated meadow alluvial soils

**Кириш.** Бугунги кунда дунё тупроқларининг шўрланиши экотизимга таҳдид соладиган асосий тупроқ деградацияси жараёнлари бўлиб, қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлиги учун энг муҳим глобал муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Тупроқларнинг 33 % га яқини аллақачон деградацияга учраган ва тупроқ деградацияси давом этмоқда, бу эса катта ташвиш уйғотмоқда. Шўрланиш озиқ-овқат хавфсизлиги контекстида инсоният учун энг хавфли таҳдидлардан биридир. Бу муаммо барча мамлакатларга тааллуқлидир. Энг кўп зарар кўрган минтақалар Марказий Осиё ва Африка, аммо тупроқ шўрланиши барча қитъаларда содир бўлмоқда. Тупроқнинг шўрланишидан жами йўқотишлар тахминан 27 миллиард долларни ташкил қилмоқда». Шу сабабли мавжуд шўрланган тупроқлар шароитида асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлган ғўза экинини атрофлича ўрганиш асосида агротехнологик тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.